



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ШАРҲИ

2026 йил I чорак якуни бўйича

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг молиявий ҳолати шарҳи

Мазкур шарҳ 2026 йил I чорак якуни бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, хусусан активлари, мажбуриятлари, капитал ва даромадлилигида юзага келган асосий тенденцияларни изоҳлайди.

I. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар инфратузилмалари


2026 йил I чорак давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи сифатида **1 та** микромолия ташкилоти, уларнинг **47 та** филиаллари (*24 та микромолия ташкилоти ва 23 та ломбардлар*) ташкил этилиб, умумий сони **223 та**, шундан микромолия ташкилотлари **133 та** (*филиаллар сони 417 та*) ва ломбардлар **90 тани** (*филиаллар сони 171 та*) ташкил этди.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар устав капитали таркибида чет эл капитали мавжуд бўлган микромолия ташкилотлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 тага ортиб, 2026 йилнинг I чорак якуни бўйича **24 тага** (*микромолия ташкилотлари 16 та ва ломбардлар 8 та*) етган.


1-чизма

2-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офислари сони



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сони




Бунда, фаолият юритаётган микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг энг кўп қисми **Тошкент шаҳри** (77 та микромолия ташкилоти ва 45 та ломбард) ва **Фарғона вилояти** (20 та микромолия ташкилоти ва 5 та ломбард) ҳиссасига тўғри келса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларида **1 тадан** бош офислар жойлашган.

Дислокация бўйича **Тошкент** шаҳрида ломбардларнинг **50 та** филиаллари ва микромолия ташкилотларининг **36 та** филиаллари фаолият юритса, **Хоразм** вилоятида мазкур кўрсаткич **18 та**, шундан микромолия ташкилотларининг 15 та филиаллари ва ломбардларнинг 3 та филиали мавжуд.


3-чизма

4-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар бош офисларининг ҳудудлардаги тақсимоти



Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг филиаллари сонининг ҳудудлардаги тақсимоти




II. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитлаш амалиётлари ва уларнинг сегментацияси

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан 2026 йилнинг январь-март ойларида жами **12,2 трлн сўм** миқдорида кредитлар ажратилиб, кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 баробарга**, хусусан микромолия ташкилотларида **2 баробар** ва ломбардларда **1,7 баробарга** ошган. Бунда, кредитлашнинг **92 фоизи** (*11,2 трлн сўми*) микромолия ташкилотлари ва **8 фоизи** (*1 трлн сўми*) ломбардлар томонидан амалга оширилган.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг **11,9 трлн сўми** ёки **98 фоизи жисмоний шахслар** ва **244 млрд сўми** ёки **2 фоизи юридик шахслар** ҳиссасига тўғри келади.

5-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредитлар миқдори



Ажратилган кредитлар сегментациясида 2026 йилнинг январь-март ойларида жами **8 трлн сўм** миқдорида **онлайн кредитлар** ажратилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,2 баробар** ортган ҳолда микромолия ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлардаги улуши **72 фоизга** етган.


Бунда, онлайн кредитлаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан “Тезкойн” да **4,0 трлн сўмга** (2,8 баробар), “Пейлейтер” да **35,2 млрд сўмга** (2,7 баробар) ортган бўлса, “Шаффоф-Молия” да **55 млрд сўмга** (5%) камайган.

Микромолия ташкилотлари кесимида кўрсатилган онлайн хизматлар “Тезкойн” да **6,4 трлн сўм**, “Шаффоф-Молия” да **1,1 трлн сўм**, “ТБС кредит” да **203 млрд сўм**, “Корона” да **174 млрд сўм**, “Пейлейтер” да **54 млрд сўм** ва “Уно Молия” да **37 млрд сўмни** ташкил этган.

“Корона”, “ТБС кредит” ва “Уно Молия” томонидан 2025 йилнинг I чорагида онлайн хизматлар кўрсатилмаган.

6-чизма

Ажратилган онлайн ва офлайн кредитларнинг сегментацияси




Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари бўйича сегментациясида 2026 йилнинг январь-март ойларида ажратилган кредитларнинг **64 фоизи 10 млн сўмгача** бўлган кредитларни, **16 фоизи 10-20 млн сўмгача**, **13 фоизи 20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **7 фоизни** ташкил этган.

2026 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **10 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **6 фоиз бандга** ошган, **20-50 млн сўмгача** бўлган кредитлар **2 фоиз бандга** ва **50-100 млн сўм** миқдоридаги кредитларда **4 фоиз бандга** камайган бўлса, **10-20 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши ўзгаришсиз қолган.

7-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк маълумотлари

Юридик шахсларга ажратилган кредитлар миқдорлари сегментациясида 300 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар улуши **53 фоизни**, **100-200 млн сўмгача** **18 фоизни**, **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **11 фоизни**, **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **10 фоизни** ва **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **8 фоизни** ташкил этган.

2026 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилга нисбатан **300 млн сўмдан юқори** бўлган кредитлар улуши **45 фоиз бандга**, **50 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **5 фоиз бандга**, **50-100 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **1 фоиз бандга** ошган бўлса, **100-200 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **39 фоиз бандга** ва **200-300 млн сўмгача** бўлган кредитлар улуши **12 фоиз бандга** камайган.

8-чизма

Микромолия ташкилотлари томонидан юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг миқдорлар бўйича тақсимланиши




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматларнинг ойлик фоиз ставкалари.

Микромолия ташкилотларида субъект турлари бўйича 2026 йилнинг март ойида **жисмоний шахсларга** ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари **30-109,5 фоиз** коридорида, **ЯТТ** ва **юридик шахсларга** ажратилган микрокредитлар **30-64 фоиз** коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари мос равишда **57,9** ва **52,4 фоизни** ташкил этган.

2026 йилнинг март ойида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзларнинг **0,7 фоизи** (7,3 млрд сўм) энг қуйи чегара – йиллик 30-40 фоиз оралиғида, **6,7 фоизи** (67 млрд сўм) энг юқори чегара – йиллик 100-109,5 фоиз оралиғида ажратилган бўлса, юридик ва ЯТТларга ажратилган микрокредитларнинг **9,3 фоизи** (4,8 млрд сўм) энг қуйи чегара – йиллик 30-40 фоиз оралиғида, **2,8 фоизи** (1,5 млрд сўм) энг юқори чегара – йиллик 60-64 фоиз оралиғида ажратилган.


Микромолия ташкилотлари томонидан субъект турлари бўйича сўнги олти ойдаги йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси



Ломбардлар томонидан 2026 йилнинг март ойида жисмоний шахсларга ажратилган микроқарзларнинг фоиз ставкалари 60-109,5 фоиз коридорида шаклланган бўлиб, йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси **95,7 фоизни** ташкил этган.

2026 йилнинг март ойи давомида ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг **1,2 фоизи** (4,2 млрд сўм) энг қуйи чегарага – йиллик 60-70 фоиз оралиғида ва **44,8 фоизи** (156,9 млрд сўм) энг юқори чегарага – йиллик 100-109,5 фоиз оралиғига тўғри келади.

Ломбардлар томонидан ажратилган микроқарзларнинг сўнги олти ойдаги йиллик ўртача тортилган фоиз ставкалари




III. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси

3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** ортиб, 2026 йил 1 апрель ҳолатига **14,4 трлн** сўмни ташкил этган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг** активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,5 трлн сўмга (50 фоиз)** ўсиб, **13,6 трлн сўмга** етган бўлса, **ломбардлар** активлари 282 млрд сўмга (**51 фоиз**) ошиб, **833 млрд сўмга** етган.

11-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар активлари миқдори




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами активларининг **92 фоизи (13,2 трлн сўми)** кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** ўсган.

Натижада, 2026 йил I чорак якунида микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредитларининг барча кредит ташкилотлар умумий кредит қолдиғидаги улуши **2,1 фоизга** етди.

12-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит қўйилмаларининг жами кредитлардаги улуши динамикаси



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан **жисмоний шахсларга** ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган бир йилда **1,4** баробарга ошиб, **12,1 трлн сўмни**, шунингдек тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар қолдиғи **2,1** баробарга ошиб, **1,1 трлн сўмни** ташкил этган.



Бунда, тадбиркорлик субъектларига ажратилган **микрокредитлар** қолдиғи **1,9** баробарга кўпайиб, **759 млрд сўмга**, факторинг хизматлари ҳажми **2,6** баробарга ошиб, **228 млрд сўмга** етган бўлса, 300 млн сўмдан юқори бўлган кредитлар **6,7** баробарга ошиб, **94 млрд сўмни** ташкил этган.

13-чизма

Микромолія ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ажратилган кредит турлари қолдиғи

2025 йил 1 апрель ҳолатига
(млрд сўм)

2026 йил 1 апрель ҳолатига
(млрд сўм)



- микроқарз
- микрокредит
- Кредит (300 млн сўмдан юқори кредитлар)
- факторинг
- лизинг
- истеъмол кредитлари

- микроқарз
- микрокредит
- Кредит (300 млн сўмдан юқори кредитлар)
- факторинг
- лизинг
- истеъмол кредитлари

Микромолія ташкилотларида муаммоли кредитлар қолдиғи (NPL) жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 284 млрд сўм ёки 2,3 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,1 фоиз бандга камайган.


Бунда, муаммоли кредитларнинг (NPL) 248 млрд сўми (87 фоиз) “шубҳали”, 36 млрд сўми (13 фоиз) “умидсиз” кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур муаммоли кредитларнинг 45 фоизи “Тезкойн” (77 млрд сўм) ва “Шаффоф-молия” (51 млрд сўм) микромолия ташкилоти ҳиссасига тўғри келган.

Муаммоли кредитларни қоплаш коэффиценти (*NPL coverage ratio*) 2026 йил бошига нисбатан **10 фоиз бандга** камайиб, 2026 йил 1 апрель ҳолатига **55 фоизни** ташкил этган.

14-чизма

Муаммоли кредитлар ва уларни қоплаш коэффиценти




Манба: Марказий банк маълумотлари

3.2. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2026 йил I чорак якунида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 баробарга** (3,5 трлн сўмга) ошиб, **10,1 трлн сўмни** ташкил этган. Хусусан, микромолия ташкилотларининг мажбуриятлари **1,5 баробарга** (3,5 трлн сўмга) ошиб, **9,9 трлн сўмни**, ломбардларда эса **1,9 баробарга** (78 млрд сўмга) кўпайиб, **170 млрд сўмни** ташкил этган.


Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мажбуриятлари динамикаси



Микромолия ташкилотлари жами мажбуриятларининг **32 фоизи** (3,2 трлн сўм) маҳаллий компаниялардан, **24 фоизи** (2,4 трлн сўм) тижорат банклари, **16 фоизи** (1,6 трлн сўм) таъсисчилар, **5 фоизи** (465 млрд сўм) халқаро молия институтлари, **4 фоизи** (435 млрд сўм) облигацияларни жойлаштириш ва **19 фоизи** (1,9 трлн сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда, мажбуриятлар таркибида облигацияларни жойлаштиришдан келган маблағлар **3,5 баробарга** (310 млрд сўм), маҳаллий компаниялардан жалб этилган маблағлар **2,4 баробарга** (1,8 трлн сўм), таъсисчилар маблағлари **1,5 баробарга** (524,6 млрд сўм), халқаро молия институтлари маблағлари **1,4 баробарга** (129,6 млрд сўм) ўсган бўлса, тижорат банкларидан жалб этилган ресурслар **10 фоизга** (272,9 млрд сўм) қисқарган.

Микромолия ташкилотлари мажбуриятлар таркиби




Манба: Марказий банк маълумотлари

Ломбардларнинг жами мажбуриятлари 2026 йил 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,9 баробарга** ошган ҳолда **170 млрд сўмни** ташкил этиб, унинг **62 фоизи** (106 млрд сўм) таъсисчилар, **14 фоизи** (24 млрд сўм) тижорат банкларидан жалб этилган маблағлар ва **24 фоизи** (40 млрд сўм) бошқа мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган.

Бунда, ломбардлар жами мажбуриятлари таркибида таъсисчилар маблағлари **2,2 баробарга** (58 млрд сўм), тижорат банклари ресурслари **1,3 баробарга** (5 млрд сўм) ва бошқа мажбуриятлари **1,7 баробарга** (16 млрд сўм) ошган.

Ломбардлар мажбуриятлари таркиби



Манба: Марказий банк маълумотлари


3.3. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар капитали

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,4 баробарга** (1,2 трлн сўм) кўпайиб, 2026 йил 1 апрель ҳолатига **4,3 трлн сўмга** етган. Бунда, **микромолия ташкилотларининг жами капитали 1,4 баробарга** (1 трлн сўм) ошиб, **3,6 трлн сўмни** ва **ломбардларда 1,4 баробарга** (203 млрд сўм) ўсиб, **663 млрд сўмни** ташкил этган.

Бунда, микромолия ташкилотларининг жами капитали ўсишида устав капиталининг **531 млрд сўм** (37%), жорий йил фойдаси **48 млрд сўм** (19%), захира капитали **20 млрд сўм** (17%), тақсимланмаган фойда **436 млрд сўмга** (59 %) ўсиши, ломбардларда эса устав капиталининг **57,8 млрд сўм** (38 %), жорий йил фойдаси **27 млрд сўм** (47%), тақсимланмаган фойда **117 млрд сўм** (50%) ҳамда захира капиталининг **2 млрд сўмга** (15%) ўсиши таъсир кўрсатган.

18-чизма

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар жами капитали динамикаси




Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, 2026 йилнинг I чорак якуни бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан хориж капитали иштирокидаги микромолия ташкилотларининг устав капитали **1,5 баробарга** (105 млрд сўм) ва ломбардларда эса **5,4 баробарга** (79 млрд сўм) ошган.

19-чизма


20-чизма

Устав капиталида хориж капитали
мавжуд микромолия ташкилотлари



■ 01.04.2025 й
■ 01.04.2026 й

Устав капиталида хориж капитали
мавжуд ломбардлар



■ 01.04.2025 й
■ 01.04.2026 й

3.3.1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар рентабеллик кўрсаткичлари

2026 йилнинг I чораги якуни бўйича микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг жами даромадлари **1,6 трлн сўмни**, жами харажатлари **1,2 трлн сўмни** ташкил этиб, жами **385,3 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.


Бунда, **микромолия ташкилотларида** жами даромадлар **1,4 трлн сўмни**, жами харажатлар **1,1 трлн сўмни** ва соф фойда **300,4 млрд сўмни** ташкил этган бўлса, **ломбардларда** эса жами даромадлар **157 млрд сўмни**, харажатлар **72,1 млрд сўмни** ташкил этиб, **84,9 млрд сўм** миқдорида соф фойда олинган.

3.3.2. Активлар ва капитал рентабеллиги

Микромолия ташкилотларида **активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)** 2025 йил мос даврига нисбатан **2 фоиз бандга** камайиб, таҳлил санасида **17,3 фоизни** ташкил этган бўлса, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** ҳам ушбу даврда **2,3 фоиз бандга** камайиб, 2026 йил I чорак якуни бўйича **37,2 фоизни** ташкил этган.

21-чизма

Микромолия ташкилотларининг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси



Шу билан бирга, ломбардларда **активлар рентабеллик кўрсаткичи (ROA)** 2026 йил I чорак якунида 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 фоиз бандга**, **капитал рентабеллик кўрсаткичи (ROE)** эса **2,5 фоиз бандга** ошиб, ҳисобот санасида мос равишда **56,7** ва **53,9** фоизга етган.

22-чизма

Ломбардларнинг рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси

